

# ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 7

**Бухоро шахри**

**12 январ 2022 йил**

МЧЖ “Сифат Жихат Ривож Сервис”, кейинги ўринларда ”Сотувчи” деб юритилади. Ўзининг устави асосида иш юритувчи раҳбари У.Киличев бир томондан ва Бухоро “Мурувват” ногиронлиги булган шахслар учун аёллар интернат уйи, кейинги ўринларда “Сотиб олувчи” деб юритилади, Ўзининг устави асосида иш юритувчи директори Б.Тешаев, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар (маҳсулот) ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк килиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар (маҳсулот)ни қабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Маҳсулот номи	Улчов бирлиги	Миқдори	Нархи	суммаси
1	Нон (транспорт харажати билан бирга)	дона	8500	1500	12750000
	Жами:				12750000

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш (хар кунлик таркатиш ведомо яъни забор.лист оркали)муддати: 2022 йил 31 январгача

## 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий 12750000 (Ун икки миллион етти юз эллик минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Сотиб олинган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори 3825000 сумни, яъни белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг январ ойи амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса 8925000 сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқлов ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022 йил “31” январгача амалга оширилади.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда, қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда, қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда қўра, 15 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган

2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши кер

3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги хакида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлиси алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарни пулини қайтариб беради.

3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.

3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот) бўлган қафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.